

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>М.Исмоилов, З.Кўпайсинова</b> Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар .....	6
---	---

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов</b> Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида .....	11
<b>В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова</b> Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари .....	14
<b>А.Махсумов, Б.Исмаилов</b> 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши .....	20

КИМЁ

<b>Х.Юлдашев, Ю.Мансуров</b> Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши .....	24
<b>С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари .....	29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>И.Носиров</b> Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари .....	33
<b>С.Хусанбоев</b> Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари .....	40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Ў.Аҳмедова</b> Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи .....	44
---	----

ТАРИХ

<b>О.Маҳмудов</b> Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар .....	47
<b>С.Юлдашев</b> Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида .....	53
<b>А.Атаходжаев</b> Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири .....	61
<b>И.Фуломов</b> 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир .....	67
<b>А.Алохунов</b> Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар .....	73
<b>В.Абиров</b> Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши .....	77
<b>Ш.Холикулов</b> Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти .....	84
<b>Ш.Усанов</b> Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари .....	89

## БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЧОРВАДОРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХЎЖАЛИГИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

### НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ПРОИЗВОДСТВЕННОМ ХОЗЯЙСТВЕ СКОТОВОДОВ ЭПОХИ БРОНЗЫ И РАННЕГО ЖЕЛЕЗА

### SOME REFLECTIONS ON THE PRODUCTION ECONOMY OF PASTORALISTS OF THE BRONZE AGE AND EARLY IRON AGE

Алохунов Алишер<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Алохунов Алишер

– Фарғона давлат университети, жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD).

#### Аннотация

Мақолада Фарғона водийсининг жанубий ва ғарбий ҳудудларига Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларидан кириб келган, фанда Қайроққум маданияти номи билан аталган чорвадор аҳолининг ишлаб чиқариш хўжалиги билан боғлиқ айрим жиҳатлар ёритиб берилган.

#### Аннотация

В статье освещены некоторые аспекты производственного хозяйства скотоводческого населения, вторгшегося на южные и западные территории Ферганской долины с северо-востока Средней Азии, названного в науке «Кайраккумской культурой».

#### Annotation

The article highlights some aspects of the production economy of the cattle-breeding population that invaded the southern and western territories of the Fergana Valley from the north-east of Central Asia, nicknamed the Kairakkum culture in science.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фарғона водийси, бронза даври, Андронов маданияти, Қайроққум маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, чорвачилик, кулолчилик, тоштарошлик, металлургия хунармандчилиги.

**Ключевые слова и выражения:** Ферганская долина, бронзовый век, Андроновская культура, Кайраккумская культура, социально-экономическая жизнь, скотоводство, гончарное дело, резьба по камню, металлургическое ремесло.

**Keywords and expressions:** Ferghana Valley, Bronze Age, Andronovo culture, culture Kayrakkum, socio-economic life, cattle breeding, pottery, stone carving, metallurgical craft.

Қадим Фарғона моддий маданияти ёдгорликларининг турли-туман бўлиши водийда бирга умргузаронлик қилиб келган зироатчи ва чорвадор халқларнинг мураккаб тарихини, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттиради. Бу ҳолат эса бир-биридан фарқли икки хўжалик юритувчи қабилаларнинг ўзаро таъсири хилма-хил маданий ва этник шодасининг шаклланишига олиб келган.

Археологик тадқиқотлардан маълумки, Евроосиёнинг бронза даври уруғ жамоалари мил. ав. II минг йилликнинг ўрталаридан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келадилар. Улар археологик илмий адабиётларда “Андроново этномаданий бирлик” номи билан маълум.

Сўнгги бронза даврида Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудлари томонидан кириб келган даштлик Андроново қабилалари қадимги Хоразм, Зарафшон, Тошкент воҳаси сарҳадлари билан чекланмади. Уларнинг катта

гуруҳи мил. ав. II минг йилликнинг иккинчи ярми давомида Фарғона водийсининг жанубий ва ғарбий ҳудудлари бўйлаб келиб ўрнашадилар. Бу ҳақда дастлабки хабарни археолог А.Н.Бернштам берган. У 1940 йилда Сулаймон тоғининг жанубидан топилган сопол парчалари билан танишиб, бу сополлар бронза даврининг Андроново маданиятига тегишли эканлигини таъкидлайди ва уни сўнгги бронза ва илк темир асри (мил. ав. II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошлари) билан белгилайди[3,186]. Ана шундай чорвадор ва деҳқон жамоаларининг ўзига хос оригинал археологик комплекслари Қайроққум номи билан Фарғона водийсининг ғарбий қисмида ташкил топди. Водийнинг ғарбий туманларида бронза даврининг чорвадор дашт қабилалари ёдгорликларининг топилиши Б.А.Литвинскийга уларни муштарак жойлашган маконлари номи билан “Қайроққум маданияти” деб аташга имкон берган[2, 90].

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. ав. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқидан Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларига Марказий Осиёнинг дашт аҳолиси жадал кириб кела бошлайди. Дастлаб, улар Амударёнинг қуйи ҳавзаларига жойлашадилар (Тозабоб маданияти). Уларнинг бир қисми Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, яъни Жанубий Қозоғистон ва Тошкент воҳасига кириб келади, Еттисув орқали қадимги Фарғонага (Қайроққум маданияти), ундан Қайроққум орқали Уструшона ва Суғдиёна ҳудудларига кириб боради. Ҳозирги кунда уларнинг моддий маданият излари бутун Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган[1].

XX асрнинг ўрталарида А.Н.Бернштам томонидан Ўш атрофида топилган Андроново маданияти сополларига оид топилмалар, Фарғона вилоятида тошқўрғонлардан Япаги ва Чек қабристонлар ва Қайроққумда А.Окладников томонидан топилган бронза даврининг охирига тегишли манзилгоҳлардан ташқари, водийнинг жануби-шарқий қисмидаги қазилма ишлари натижасида аниқланган Водил ва Карамкўл қабристонлари ёдгорликлари маълум эди[4;5]. Кейинроқ бу рўйхатга Тошқўрғон, Арсиф, Дашти Ашт ва Қашқарчи қабристонларидаги маълумотлар қўшилди[8].

Қайроққум номи остидаги маданиятга бир-биридан фарқ қилувчи Фарғонанинг бронза даврига тегишли маданий ёдгорликлар, яъни аҳоли манзилгоҳлари ва қабристонлар киради. Ушбу ёдгорликлар фақат ҳудудий жиҳатдангина эмас, балки бир қатор умумий белгилари билан ҳам бир-бирига яқиндир.

Демак, Сирдарё бўйидаги Қайроққумдан 70 та манзилгоҳ, ишлаб чиқариш билан боғлиқ тураржой комплекслари ва Хўжа Ягона, Дахана, Дашти Ашт қабристонлари топилган[15; 16; 17; 20]. Қайроққум макон ва мазорларидан топилган археологик материалларнинг типологик таҳлиliga кўра, Қайроққум маданияти бронзанинг охири ва илк темир ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида тасаввур беради. Б.А.Литвинскийнинг ёзишича, Қайроққумдаги қадимги қишлоқлар, асосан, унинг уч ҳудудида марказлашган. Масалан, Қайроққумнинг ғарбий ҳудуди – Шўркўл атрофида, Тақир Ягона деб аталган марказий ҳамда шарқий қисмида кенг тарқалган. Қадимги қишлоқларнинг деярли ҳаммасида маданий қатлам сақланмаган. Шунинг учун бутун материаллар тақир ва кум устига чиқиб қолган. Баъзи бир маданий қатлами бор маконларда ҳам у 10–35 см дан ошмайди. Баъзи бир маконларда ўчоқ, гулхан

излари ва лой сувоқлар учраса-да, лекин бирор жойда тўлиқ кулба қолдиғи очилмаган.

Қайроққум манзилгоҳидаги қазилма натижалари Б.А.Литвинский томонидан тўлиқ чоп этирилган [14;15], қазилган қабр материаллари эса Н.Г.Горбунова томонидан умумлаштирилган [6]. У Қайроққум маданий ёдгорликлари тавсифида нафақат манзилгоҳ ҳудудидаги топилмалардан, балки Фарғона даштларидан топилган бошқа буюмлардан ҳам кенг фойдаланади.

Қайроққум типига Оқ танги ғори ва Катта Фарғона канали трассаси ҳамда Ўш шаҳри яқинидан топилган кулолчилик ва кўп сонли металл буюмлар ҳам киради[7, 51; 12, 94; 15]. Аммо бу ёдгорликлар Қайроққум маданиятига оид эканлиги тўлалигича исботланмаган.

Қайроққумликлар ҳаётининг иқтисодий асоси чорвачилик бўлган. Бу ерда йирик ва майда шохли ҳайвонлар ҳамда от суяклари топилган. Жайрон суякларининг топилиши овчиликнинг, балиқ овлайдиган илмоқларнинг топилиши эса балиқчиликнинг мавжудлигига ишора қилади.

Агар дашт қабилаларининг хўжалигида чорвадан кейинги иккинчи ўринда металлсозлик туришини ҳисобга оладиган бўлсак, Андроново уруғ жамоаларининг катта гуруҳини ғарбий Фарғонага, Қайроққум массивига келиб жойлашиши бежиз эмас эди.

Манзилгоҳларнинг яқинида маъдан эритиш учун ишлаб чиқариш комплекслари жойлашиб, уларда руда қолдиқлари аниқланган. №16 пунктда тошдан металл қуйиш қолиплари топилган (расм №4). Уларда жанговар зўғотали бронза болталари қуйилган[1, 244]. Б.А.Литвинскийнинг ёзишича, № 15 пунктда металл эритиш ўчоқлари ва шлак уюмлари учратилган. Айниқса, маданий қатлам бузилиб кетган жойларда тақир юзасида икки тигли япроқсимон пичоқлар, ханжар, искана, қармоқ, игна, бигиз, икки парракли бронза пайконлари кўплаб учрайди. Қайроққум маданияти археологик топилмалари бу ерда металлургия хунармандчилигининг юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Кўпгина маконлар устида олиб борилган қазилма ишлари пайтида ойболта ва чўкич ясайдиган тош формалари, маъдан парчалари, шлаклар ва кўпгина бронза предметлари топилган.

Қайроққумнинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмидаги Қорамозор тоғларида ҳам мис конларининг сақланганлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Бронза қуйиш учун керак бўлган қўрғошин Зарафшон водийсидаги

## ТАРИХ

Зирабулоқ-Қоратепа тоғларидан ёки Чотқол-Кўксув атрофларидан олиб келинган бўлиши ҳам мумкин [13]. Шунингдек, Новкат ва Қорамозорда мис конлари ҳам мавжуд бўлган. Фарғона металлургия маркази шарқий Андроново металлургия минтақасига кирган[12].

Қайроққумликлар маъданни шу жойнинг ўзида майдалашган, кейин эритилган маъдан олдиндан тайёрлаб қўйилган қолипларга қўйилган. Бу қолиплар турли қуроллар шаклида бўлиб, тошдан ўйиб ясалар эди. Кўп ҳолларда керакли қуролнинг шакли тошнинг фақат бир томонига туширилган бўлса, бошқа пайтларда қолипнинг ҳар икки томони керакли қурол-аслаҳа шаклларида ҳам бўлган. Бронзадан ясалган буюмлар бир томонлама ёки икки томонлама тигга эга бўлган пичоқлар, жуводиз, пона, билакузук, балдоқ, исирға, узук ва бошқа хўжаликда ишлатиладиган буюмлар, турли тақинчоқлар ҳамда ҳарбий қуроллардан иборат бўлган.

Қайроққумликлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ишлаб чиқариш жараёнида кулолчилик маҳсулотлари муҳим аҳамият касб этган. Қайроққум типидagi кулолчилик буюмлари кўлда ясалган. Макон ва қабрлардан топилган сопол идишлар кўп жиҳатдан Тозабоғёб сополларига ўхшаса-да, лекин Қайроққум сополлари ичида кулокли, баъзан эса тарнов жўмракли хиллари ҳам учрайди. Идишларнинг 1/10 қисмига безак туширилган[15, 224]. Уларнинг энг севимли нақшлари «илон изи» (зигзаг)лар, учбурчаклар, тўғри чизиклар, «арча» шакли ва бошқа нақшлар бўлган (расм №5). Идиш гуллари ўз характери билан геометрик композициялардан иборат. Шунингдек, нақш солинмаган идишлар ҳам кенг муомалада бўлган[19, 58].

Б.А.Литвинский Фарғонадаги мазкур давр барча ёдгорликларини Қайроққум маданиятига киритади, шу билан бирга Тошкент воҳаси ва Моҳандарёдаги комплексларни ҳам шу маданиятга нисбат берган[15;18]. М.А.Итина ва Е.Е.Кузьмина бу белгилаш аниқ эмаслигини таъкидлаганлар[9,78; 10,94]. Кейинчалик Б.А.Литвинский Қайроққум маданиятига фақат Фарғона ёдгорликларинигина киритади[18].

Н.Г.Горбунова Фарғонанинг барча ёдгорликлари, шу жумладан, жанубий қабристонларини ҳам Андроново маданиятининг Қайроққум вариантга киритиш мумкинлигини илгари суради[6, 23.]. Бундай ташхис қўйиш учун Андронового хос белгилар – катта уй, тош яшчикларга дафн этиш, майитнинг боши билан ғарбга қўйилганлиги,

сопол буюмларнинг матоли шаблон асосида тайёрлаш технологияси, идишларнинг шакллари ва безагининг мавжудлиги асос бўлган. Бу Қайроққум ёдгорликларини Андроново маданиятининг алоҳида типичифатида ажратиш имконини беради.

Маросим ва сопол идишларда мавжуд фарқлар маданиятдаги эмас, балки хронологик хусусиятларни акс эттиради. Қайроққум сополларида илк Андроново белгилари мавжуд эмас. Манзилгоҳлар даврининг мил. ав. XIII–IX асрлар деб белгиланишига болта ва оғзи қайрилган сопол идишлар асос бўлган. Бошланғич даврини мил. ав. I минг йиллик деб белгилашга Дахана қабристонидан топилган тугма, Дашти Ашт ва Тақир Ягонадан топилган Чуст маданияти идишлари асос бўлган. Шунингдек, Қайроққум сополлари Чуст даври манзилгоҳи бўлган Тошкўрғонда ҳам топилган. Қайроққум типидagi ёдгорликларнинг келиб чиқиши шарқий Андроново маданиятининг миграцияси билан боғлиқ бўлиб, бунга дафн маросими ва шарқий Андроново типидagi металл буюмлар ишора қилади.

Фарғона водийси қабилаларининг яшаш тарзи, касб-у кори Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги археологик комплекслардан катта фарқ қилмайди. Шу билан бирга Фарғона водийсида бронза металлургиясини ривожлантириш учун барча компонентларнинг борлиги туфайли бу ерда айнан шу йўналишнинг ривожланганлигини кўрамиз. Археологик ўрганиш шуни кўрсатадики, Андроново маданияти чорвадорларининг ижтимоий ҳаётида аста-секинлик билан деҳқон жамоаларига ўта бошлаганликларини кўриш мумкин. Айниқса, улар Чуст маданияти археологик комплекслари билан солиштирилганда яққол кўринади.

Шундай қилиб, Қайроққум маданияти ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

Топилган кулолчилик буюмларига кўра, идишлар тўлиқ кўлда тайёрланган, уларнинг лойига туйилган тош ҳам қўшилган. Айрим кулоллар идишларни матодан тайёрланган қолипда яшашган. Топилган сополлар кулранг ёки қора рангда. Идишнинг лаблари жуда оддий шаклга эга. Сопол идишларнинг яқин 10 фоиздан кўпроғи нақшлар билан безатилган бўлиб, улар асосан тароқсимон шаклли асбоб билан туширилган ва чекма нақшлар ҳамда махсус тирнаб чизиш йўли билан туширилган нақшлардан иборатдир.

Қайроққум маданияти аҳолиси металлсозликни мукаммап билган. Тошдан ясалган қолипларнинг ичида болтанинг

шаклини тушириш учун ясалган қолипнинг борлигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Бундай усулда қурол-аслаҳалар тайёрлаш учун, одатда, оддий ханжар, билакузук, игна каби шакли унчалик мураккаб бўлмаган буюмлар тайёрланган.

Қайроққумликлар икки бўлак тош қолипда буюм тайёрлаш усулини ҳам билишган. Тош қолип икки қисмдан иборат бўлганлиги учун улар бир-бирига ёпиштирилиб боғланади ҳамда қолипнинг тепа қисмидан тайёр бронза эритмаси қуйилади. Металл буюмлар ичида баргсимон қилиб икки томонлама ишланган пичоқ, ханжар каби буюмлар ишлаб чиқарилган.

Археологик изланишлар олиб борилган даврда 60 тадан ортиқ пунктнинг 15 тасида хунармандчилик фаолиятдан далолат берувчи металлургия устахоналари мавжудлиги аниқланган. Топилмалар ичида кўплаб тошқоллар, металл эритиш кўралари, металл эритиш қозонларининг парчалари каби металлургия хунармандчилигининг белгилари топилган. Тош ўчоқлар ертўла ичида, лой ўчоқлар ташқарида, очиқ майдонда қурилган.

Тоштарошлик ёки тош билан ишлаш хунармандчилиги ҳам ривожланган. Бунга

турли тураржой маконларидан ҳар хил тошдан ясалган ва хўжалиқда ишлатиладиган қуроллар, айниқса, камон ўқи учининг топилиши исбот бўла олади.

Фарғона водийсида бронза даври чорвадор қабилаларга тегишли мозор-қўрғонлари географияси водийнинг жануби-ғарбий ҳудудларига тўғри келади ва жуда кўп ҳолларда Андроново маданияти чорвадорларининг урф-одатлари ва диний эътиқодларига мос эканлигини таъкидлашимиз керак бўлади.

Қайроққум маданиятига тегишли Дашти Ашт археологик комплексларида ва Қайроққум металлургиялари археологик комплексларида кўплаб Чуст маданиятига оид кулолчилик буюмларининг топилиши водийда деҳқон жамоалари билан чорвадорлар маданиятларининг бир-бирига таъсир этиш жараёнлари давом этганлигини кўрсатади.

Қайроққум маданияти топилмалари Андроново ва Тозабоғёб маданиятлари ёдгорликлари материаллари билан жуда ўхшаш бўлиб, мазкур ҳудуд аҳолиси Фарғона водийсининг Чуст маданияти аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

#### Адабиётлар:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O'zbekiston, 2015.
2. Алохунов А. Фарғона водийсининг Қайроққум маданияти ёдгорликлари. ФарДУ. Илмий хабарлар, 5/2017.
3. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА – Вып. 26. 1952.
4. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине // КСИИМК. – Вып. 63. 1956.
5. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины // СА, №3. 1957.
6. Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы. «Археологический сборник Гос. Эрмитажа» № 32, Санкт-Петербург, 1995.
7. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – М. – Л.: Наука. 1962. (МИА, № 118).
8. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация). Автореф. дисс. на соис. уч. ст. канд. ист. наук. – Самарканд, 1999.
9. Итина М.А. О месте тазабагыбской культуры среди культур степной бронзы. Советская этнография, №2. 1967.
10. Итина М.А. История степных племён Южного Приаралья (II — начало I тысячелетия до н.э.). / Тр. ХАЭЭ. X. М.: 1977.
11. Козенкова В.И. Погребальные памятники Ферганы первых веков нашей эры // СА, №1. 1966.
12. Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века в Средней Азии. – М.: Наука, 1966.
13. Литвинский Б.А. Предварительный отчет о работах в Карамазарских горах отряда по сбору материалов для составления археологической карты в 1954 г. Обследование старинных рудников Карамазарских гор. Тр. АН Тадж.ССР. Сталинабад, 1956.
14. Литвинский Б.А. Памятники эпохи бронзы и раннего железа // Древности Кайрак Кумов./ Т. XXXIII. Тр. ИИ АН Тадж.ССР, 1962.
15. Литвинский Б.А., Окладников Л.П., Ранов В.А. Древности Кайрак-кумов: (Древнейшая история Сев.Таджикистана). Душанбе. 1962. (ТАНТаджССР, т.33).
16. Литвинский Б.А. Даханинский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане// КСИИМК. – М., 1960. – Вып.
17. Литвинский Б.А. Бронзовый век. - В кн.: История таджикского народа. Т.1. – М., 1963.
18. Литвинский Б.А. Археологические открытия на восточном Памире и проблема связей между Средней Азией, Китаем и Индией в древности// Тр. XXV Междунар. конгресса востоковедов. Т.3. – М., 1963.
19. Романова Е.Н., Семенцев А.А., Тимофеев В.И. Радиоуглеродные даты образцов из Средней Азии и Казахстана лаборатории ЛОИА АН СССР//УСА. – Вып.2. – Л.: 1972.
20. Салтовская Е.Д. О погребениях ранних скотоводов в Северной Фергане // КСИА, 1978. – Вып.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)